



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 126-131 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

РЕСПУБЛИКА ХУДУДЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



Мадрахимов Кахрамон Эгамбергенович
Маъмун университети НТМ “Иқтисодиёт”
кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада ижтимоий-иқтисодий тизим таркибида иқтисодий ривожланишнинг кўп қиррали жараён шаклида тўпланган ёндашувларга кўра иқтисодий ўсиш сифатига таъсир этувчи омилларнинг таъсири, иқтисодий ўсиш механизмнинг мавжуд имкониятлари ёритилган ҳамда иқтисодий тизимни ривожланиши шароитида ҳудудни ижтимоий ривожланиш номуносивлигини бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Ҳудуд, ижтимоий-иқтисодий тизим, ижтимоий ривожланиш, номуносивлик, иқтисодий ўсиш.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние факторов, влияющих на качество экономического роста, существующие возможности механизма экономического роста, а также предложения и рекомендации по устранению дисбаланса социального развития региона в условиях развития экономической системы.

Ключевые слова. Регион, социально-экономическая система, социальное развитие, неравенство, экономический рост.

Abstract. The article examines the influence of factors influencing the quality of economic growth, the existing possibilities of the economic growth mechanism, as well as proposals and recommendations for eliminating the imbalance in the social development of the region in the context of the development of the economic system.

Key words. Region, socio-economic system, social development, inequality, economic growth.

Кириш

Ҳар қандай мамлакат ҳукуматининг кейинги ўн йиллик ва келажакдаги иқтисодий сиёсатининг энг муҳим узоқ муддатли мақсади иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, унинг суръатларини барқарор ва мақбул даражада ушлаб туришга қаратилади. Бу борада мамлакатимизда ҳудудлар иқтисодиётини мутаносиб ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинган. Хусусан, қабул қилинган Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясининг 33-мақсадида “Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш орқали 14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари

“қониқарсиз” бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” [1] лозимлиги қайд этиб ўтилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда **худудларни мутаносиб ривожлантириш уларни ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилиш зарурлигини асослайди**. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг реал кўриниши ўсиш сифати бўлиб, у ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги технологияларни қўллаш, инсоннинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган соҳаларни ривожлантириш билан тавсифланади [2]. Иқтисодий ўсиш хусусиятлар бўйича назарий тадқиқотлар таҳлили [3] қуйидаги асосий фикрларга таянади:

- биринчидан, иқтисодий ўсишнинг анъанавий ва замонавий назарияларининг асосий йўналиши ва мазмуни иқтисодий ўсиш омиллари ҳамда манбаларини белгилашга асосланади;

- иккинчидан, омиллар тизимида “гуманистик” қоида асосидаги ижтимоий омиллар таъсирида объектив ўзгаришлар рўй бермоқда;

- учинчидан, иқтисодий ўсиш моҳиятини ўрганишнинг ҳар бир йўналиши умумий хусусиятлари билан тавсифланади;

- тўртинчидан, иқтисодий ўсиш турлари (экстенсив ва интенсив) билан бир қаторда трансформацияли ва транзакцион турлари ажралиб туради;

- бешинчидан, иқтисодий ўсишнинг асосий мақсадини “ўсиш учун ўсиш” дан “тараққиёт учун ўсиш” га босқичма-босқич ўтказиш мавжуд бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳар қандай иқтисодий тизим ривожланиши босқичлари учун иқтисодий ўсиш омилларини аниқлаштириш худудда иқтисодий фаолликни жадаллаштиришга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқишга имкон бериши керак. Иқтисодий ўсиш аҳоли жон бошига реал ЯИМ мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ўзгаришининг ижобий динамикаси, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг сифат ўзгаришларини таъминлаш учун ижтимоий-иқтисодий ҳамда табиий шарт-шароитларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган давлат тараққиётининг муҳим шартидир. Иқтисодий тадқиқотларда “иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодий ривожланиш” тушунчалари муаллифлар томонидан бир хил тушунча сифатида қўлланилади. Бироқ, биз ушбу атамалар ўртасида аниқ фарқлаш зарурлигини таъкидлаймиз. Ж.Тинберген бу борада ушбу тушунчалар бир-бирига мос, аммо бир хил эмаслигини қайд этади [4].

Ҳар қандай худуднинг иқтисодий ривожланиши мураккаб ташкил этилган, ўз-ўзидан ривожланаётган тизимнинг қайтариб бўлмайдиган ва йўналтирилган сифат ўзгаришлари сифатида кўриб чиқилиши керак [5]. Шу билан бирга, иқтисодий ривожланиш зиддиятли жараён бўлиб қаралади. Жумладан, унинг ўсиш ва пасайиш давлари, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришлари, ривожланишининг нотекислиги билан тавсифланади.

Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантириш амалиётида иқтисодий ўсишсиз ўсиш ҳолати юзага келади. Шу боис, бугун иқтисодий ривожланишни иқтисодий ўсиш билан бевосита боғлаб бўлмайди. Иқтисодий ўсиш ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ ўсиши ва иқтисодий тизимнинг аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш

қобилиятининг кўрсаткичи бўлган макроиқтисодий категория сифатида кўриб чиқилиши лозим. Шу боис, иқтисодий ўсиш иқтисодий эркинлик, самарадорлик ва бошқалар билан бирга жамиятнинг асосий мақсадларидан биридир.

Замонавий жамиятда юқори даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши ишлаб чиқариш омилларини кўпайтириш ҳисобига эмас, яъни илғор техника, технологияларни жорий этиш, инсон капитали сифатини ошириш ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобига институционал муҳитни таъминламоқда [6]. Айнан, интенсив иқтисодий ўсиш мамлакат аҳолисининг фаровонлик даражасини барқарор ошириш имконини беради ва унинг ҳаёт сифатини оширишнинг зарур шарти бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, иқтисодий ўсиш сифатига таъсир этувчи омиллар мажмуасига ишлаб чиқариш, ижтимоий, институционал, экологик ва ижтимоий-психологик омиллар киради. Асосий воситаларнинг техник тавсифлари ва унумдорлиги, технологик жараёнлар хусусиятлари, фойдаланиладиган материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмлар сифати, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифати ҳамда рақобатбардошлиги, билимлари, меҳнат кўникмалари, ходимлар малакаси, уларнинг иш шароитларига боғлиқ бўлади. Ижтимоий омиллар таркиби реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли реал даромадлари ўртасидаги нисбат, аҳоли даромадларининг табақаланиш кўрсаткичлари, мамлакат ёки минтақадаги таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва фан даражасини ўз ичига олиши керак. Институционал омиллар иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилик, мамлакат ёки ҳудуд иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари, молия-кредит ва солиқ-бюджет тизимларининг иш сифатини ҳисобга олади. Атроф-муҳит омилларига ҳудудни ифлосланиш даражаси ва атмосфера, сув ҳавзалари ҳамда тупроқларга зарарли кимёвий моддаларни чиқариш ҳажми киради.

Иқтисодий ўсиш сифати тушунчаси хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан қўлланиладиган “ўсиш инклюзивлиги” тушунчасининг мазмунини акс эттиради. Иқтисодий ўсиш сифати деганда ўсиш жараёни, яъни ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш тенденцияси ва ушбу жараён натижаларини иқтисодий ўсишни таъминловчи субъектлар манфаатларини қондириш нуқтаи назаридан тавсифловчи ўсиш ва унинг оқибатларини идрок этиш хусусиятлари йиғиндиси тушунилади [7]. Иқтисодий ўсиш сифатининг моҳиятини ўрганиш ушбу концепциянинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради:

- иқтисодий ўсиш пировард натижада унинг сифатини белгиловчи тузилма, омиллар ва манбалар билан тавсифланади;
- иқтисодий ўсиш иқтисодий сиёсат барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлигини белгиловчи нотекис жараён бўлиб ҳисобланади;
- иқтисодий ўсиш ўлчаниб, миллий ҳисоблар асосий кўрсаткичларининг ижобий динамикасини акс эттиради;
- иқтисодий ўсиш сифати микро ва макроиқтисодиёт субъектлари нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим;
- юқори иқтисодий ўсиш тизимли хусусиятга эга, чунки алоҳида омиллар гуруҳига таъсир қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асосини иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг Республика ҳудудларини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларнинг номуносиблигини таҳлил қилиш бўйича илмий ёндашувлари, шунингдек, замонавий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий таркибий сиёсатнинг устувор мақсадлари аниқланилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида статистик кузатиш, умумлаштирувчи кўрсаткичлар, илмий абстракциялаш ва жадваллар усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли турмуш даражасини ошириш аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ва инсон тараққиётининг меҳнат унумдорлиги, таълим даражаси, аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва бошқа кўрсаткичлар ҳажмининг ошиши билан боғлиқ. БМТ Тараққиёт дастури доирасида иқтисодий ўсишни баҳолашнинг муқобил ёндашуви ишлаб чиқилган бўлиб, аҳоли жон бошига реал ЯИМ, таълим ва умр кўриш давомийлиги бўйича инсон тараққиёти индекси каби кўрсаткичларни ҳисоблашни назарда тутди. 2010 йилдан бери БМТ экспертлари мамлакатда даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик омили сифатида инсон тараққиёти индекси янги кўринишини таклиф қилдилар [8]. Мазкур кўрсаткич имтиёزلарни тенг тақсимлаш шarti билан умр кўриш даражасини кўрсатади.

Замонавий иқтисодий ўсиш тенденцияси унинг меҳнат унумдорлигига нисбатан секинроқ ўсиб бораётган ҳудудий даромадлар ўсишига боғлиқ бўлади. Булар бевосита инновацион ривожланган, саноати ривожланган ва қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудларда реал иш ҳақи динамикасида ўз аксини топади. Миллий иқтисодиётнинг глобаллашув тенденцияси ишчи кучининг мамлакатдан кўчиб кетишига олиб келади. Мамлакат минтақаларининг глобаллашув жараёнидаги иштироки ҳар хил бўлиши мумкин. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Паст малакали ишчи кучи ёки юқори малакали ишчи кучи бўлган ҳудудларнинг пайдо бўлиши макроиқтисодий ўсишнинг муҳим минтақавий омилига айланади. Улар ушбу ҳудуддаги ишчиларнинг малака даражасини ошириши ва камайтириши мумкин. Иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари даражасига ва шунга мос равишда харажатларга, уларнинг таркибига, умумий ишлаб чиқаришга ва мамлакат ва ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш ҳолатига таъсир қилади. Даромадлар ва харажатлар аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлганлиги боис аҳоли моддий аҳволи кўрсаткичларининг асосий тенденциялари ва таркибий силжишларини ўрганиш муҳим вазифа сифатида қаралади.

Уй хўжаликларининг умумий даромадлари таркибида иш ҳақи энг катта ўзига хос вазнга эга бўлади. Шу билан бирга, ялпи ички маҳсулот таркибида иш ҳақи улушини ҳам ҳисобга олиш керак. Шундай қилиб, Хоразм вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида ходимлар иш ҳақининг солиштирма оғирлиги 2010 йилда 35,4 %ни, 2015 йилда 43,6 %ни ва 2023 йилда эса 48,2 % ни ташкил этди (1-жадвал).

**1-жадвал. Хоразм вилоятида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўм [9]**

Иқтисодий фаолият турлари номи	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2023 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
ўртача ойлик номинал ҳисобланган	321,8	952,9	2186,3	2584,4	3184,6	3766,1	3444,3
иш ҳақи, сўмда	438,6	1247,1	2667,6	3112,3	3715,8	4299,4	3860,8
Саноат	543,4	1249,4	2485,3	2975,7	3061,7	3918,6	3375,2
Қурилиш	336,4	879,9	2196,1	2339,3	2329,8	2833,2	2496,8
Савдо	749,2	1615,6	4217,7	4754,8	6480,5	7463,7	6714,5
ташиш ва сақлаш	215,4	776,2	1276,2	1606,4	1814,2	2143,1	1927,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	381,6	992,4	2408,8	2964,8	4041,4	7735,6	7354,0
ахборот ва алоқа	336,7	1352,6	5446,5	7214,5	9092,1	10971,0	10634,3
молиявий ва суғурта фаолияти	362,8	875,6	1822,6	2142,4	2528,6	2965,4	2602,6
таълим	377,7	807,5	1933,5	2214,1	2771,6	3272,2	2894,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	340,0	665,9	1545,8	1962,0	2376,8	2689,6	2349,6
санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	252,3	849,8	2275,9	2892,4	3627,6	4259,1	4006,8

Ушбу жадвал маълумотларига асосан, 2010 йилда ўртача номинал ҳисобланган ойлик иш ҳақи 321,8 минг сўмга тенг бўлиб, бу йилда энг юқори ойлик иш ҳақи савдо соҳасига тўғри келиб, 749,2 минг сўмни, энг кам иш ҳақи эса санъат, кўнгили очиш ва дам олиш мутахассислигига (252,3 минг сўм) тўғри келган. Мазкур даврда иккинчи ўриндаги юқори иш ҳақи саноат тармоғига тўғри келиб, 543,4 минг сўмни ташкил этган. 2023 йилда Хоразм вилоятида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг ўртача номинал ҳисобланган қиймати 3766,1 минг сўмга тўғри келиб, юқори даражадаги иш ҳақи ахборот ва алоқа мутахассислигига 10971,0 минг сўм, энг кам иш ҳақи ташиш ва сақлаш тармоғига 1927,7 минг сўм, ундан кейинги ўринда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга 2689,6 минг сўмни ташкил этган. 2023 йилда иккинчи ўриндаги юқори даражадаги иш ҳақи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасига тўғри келиб, 7354,0 минг сўмга тенг бўлган.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари Хоразм вилоятидаги ўртача кўрсаткичдан паст бўлган барча ҳудудлар учун иш ҳақининг ўсиш суръатлари анча юқори бўлган эди. Бу ҳолат жаҳон амалиёти ва иқтисодиёт назариясининг тамойилларига зид. Чунки, бугунги кунда Хоразм вилоятида тўлов

механизмларининг шаклланиши иқтисодий фаолият натижаларига боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Меҳнат унумдорлиги ўсишидан юқори бўлган иш ҳақининг ошиши рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатиши ва ишчи кучига бўлган талабни камайтириши мумкин. Замонавий жамиятда иқтисодий ўсиш моддий неъматларни кўпайтиради ва ижтимоий ривожланиш учун етарли шарт-шароит яратади.

Агар илгари иқтисодий ўсишнинг самарали омили сифатида истеъмолни ошириш учун аҳолининг тўловга қодир талабини рағбатлантириш ҳисобланган бўлса-да, бугунги кунда эса меҳнат унумдорлигини оширмай ва рақобатбардошликни таъминламай туриб, тўловга лаёқатли талабнинг ортиши инфляциянинг ўсиши ҳамда таркибий тафовутларнинг кучайиши ва иқтисодиётдаги инқирозли ҳодисаларга айланади. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва инсоният тараққиётининг юқори даражасига эришиш зарурлигига қарамасдан аҳоли даромадларининг камайиши, оммавий истеъмолни камайтириш ва ишсизликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берадиган қўшимча янги йўналишларни излаб топиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Коляденко С.В. Структурные изменения в экономике регионов как залог экономического роста. / Эффективная экономика [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.economy. nauka.com.ua/?op=1&z=485>
3. Попкова Е.Г. Новое качество экономического роста и «воронки отсталости». / Е.Г.Попкова [Электронный ресурс] – Режим доступа: <http://www.econ.asu.ru/lib/sborn/iecm2006/pdf/stat15.pdf>
4. Тинберген Я. Пересмотр международного порядка. - М.: Издательство Прогресс, 1980. – 360 с.
5. Гонт А.И. Проблемы диспропорциональности экономического роста национального хозяйства и ее отдельных регионов. // Проблемы и перспективы экономики и управления, 2018. №2(14). – С.58-64
6. Easterly W. It's Not Factor Accumulation: Stylized Facts and Growth Models // World Bank Economic Review, 2001. №15. - p. 177–219.
7. Wiktorowska A. Prawne determinante samodzielności gminy. // Zagadnienia administracyjne. – Warszawa: LIBER, 2002. – S. 218.
8. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2010. – 244 с.
9. www.xorazmstat.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

